

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАИРОВА МАДИНАБОНУ БАХТИЯРОВА

**БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИ БОЛАЛАРДА МАТЕМАТИК
ТАСАВВУРЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КАСБИЙ
ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган- 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам.**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Таирова Мадинабону Бахтияровна

Бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш
бўйича касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш 3

Таирова Мадинабону Бахтияровна

Совершенствование процесса профессиональной подготовки будущих
воспитателей для развития математического представления у детей 29

Tairova Madinabonu Bakhtiyarovna

Improving the processes of professional training of future educators on
mathematical development in children 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати.

Список опубликованных работ

List of published works 55

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАИРОВА МАДИНАБОНУ БАХТИЯРОВА

**БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРНИ БОЛАЛАРДА МАТЕМАТИК
ТАСАВВУРЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КАСБИЙ
ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган- 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1623 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.namdu.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азимова Зиёдахон Эргашевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оponentлар:

Джамилова Наргиза Нуритдиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Акрамов Хуснидин Муҳидинович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:


ЎзРФА қошидаги В.И.Романовский
номидаги Математика институти


Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» 10 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (998-69) 228-85-01; факс: (99869) 228-85-02; e-mail: info@namdu.uz)


Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (594 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй Тел.: (+99869) 227-29-81)

Диссертация автореферати 2021 йил «16» 10 кун тарқатилди.
(2021 йил «28» 10 даги 10 рақамли реестр баённомаси)




С. Т. Турғунов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п. ф. д., профессор


М. А. Асқарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)


З. Э. Азимова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, п. ф. д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлажак тарбиячиларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнларида болаларни физиологик, жисмоний ва ақлий ривожлантиришнинг фасилитацион механизмларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак тарбиячиларни тайёрлашда дуал ўқитиш тизимини жорий этиш, амалиёт билан назариянинг бевосита уйғунлигини таъминлашга эришиш муҳим аҳамиятга эга. Дунёнинг ривожланган давлатлари, жумладан, АҚШнинг Массачусетс технология институти, Принстон университети, Япониянинг Хамаки университети, Хитойнинг Пекин университети, Жанубий Кореянинг Пучон университетида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг кредит-модул тизимини жорий этиш, тарбияланувчиларда ҳаётий мослашувчанлик кўникмаларини шакллантириш лаёқатини таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда мактабгача ёшдаги болаларнинг эмоционал интеллектини шакллантириш орқали уларда умуммаданий, математик, бадий-эстетик қобилиятларни шакллантириш, арттерапия воситасида уларда мантиқий, ижодий ва мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришнинг дидактик тизимини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, бўлажак тарбиячиларни компетенциявий ёндашув асосида методик тайёргарлигини такомиллаштириш, виртуал-педагогик воситалар орқали шахсий-касбий компетентлигини ривожлантириш, болаларда математик тасаввурларни шакллантиришнинг инновацион ва интерактив дастурий воситаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бўлажак тарбиячиларни болаларда математик саводхонликни шакллантиришга тайёрлашда интенсив таълим технологияларини интеграллашган машғулотлар тизимига татбиқ этишнинг адаптив механизмларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамызда педагогика олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, бўлажак тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, бўлажак тарбиячиларни болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакллари самарали қўллаш олишга ўргатиш, болаларда математик тасаввурларни ривожлантиришнинг интенсив-педагогик механизмларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, бўлажак

¹“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларини тизимли ва мажмуавий-технологик ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Н.Н.Азизхўжаева, У.Ш.Бегимқулов, С.Т.Турғунов, Н.А.Муслимов, О.М.Мусурманова, Э.А.Сейтхалилов, Н.М.Эгамбердиева, Ф.Р.Юзликаев, З.Э.Азимоваларнинг илмий изланишларида бўлажак педагоглар компетентлигини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик, интеграл-педагогик жиҳатлари тадқиқ этилган. Н.У.Бикбаева, М.Ахмедов, Р.Ибрагимова, Н.Абдурахмонова, А.Б.Акбаров, Г.И.Джанпеисова, Р.И.Сиделникова, М.Жумаевларнинг илмий тадқиқотлари муҳим таълимий аҳамиятга эга. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбияни ривожлантиришга оид тадқиқотлар Ф.Қодирова, Д.Абдурахимова, Ш.Содиқова, Н.Джамилова, М.Аюпова, Н.Абдуллаева, З.Азизова, Г.Назирова ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Л.И.Божович, А.Л.Венгер, Л.С.Выготский, А.В.Запорожец, В.В.Абашина, Д.Б.Эльконин, А.Н.Леонтьев, Л.Б.Баряева, Д.Л.Волковскийларнинг илмий тадқиқотларида мактабгача ёшда барча ақлий функциялар, шахснинг билим қобилиятлари, интеллектуал салоҳияти ва унинг маданияти умумий ғоялари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлар К.Dunker, J.Piaje, J.Poya, M.Montessori, M.Fridmanларнинг илмий изланишларида болаларда дастлабки математик тасаввурларни шакллантириш масаласи илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш

муаммоларини махсус тадқиқ этилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мос равишда А-1-141. “Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув-ишлаб чиқариш тизимида миллий анъанавий базани ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёргарлик даражаси самарадорлигини ўрганиш;

бўлажак мутахассисларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

талабаларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларининг дидактик таъминотини такомиллаштириш.

бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришнинг мажмуавий-технологик моделини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлил, педагогик кузатув, суҳбат, моделлаштириш, лойиҳалаштириш, ташхис, педагогик тажриба-синов, маълумотларни мужассамлаштириш, таққослаш, солиштириш, эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича бўлажак тарбиячиларни касбий тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини аниқлаш индикаторлари талабаларнинг рефлексив фаолияти шакллари идентив мақсадлар билан ички интеграллашув даражасига ҳамда интеграция жараёнларида қайта алоқани таъминлаш шартларига асосан такомиллаштирилган;

бўлажак тарбиячиларни мактабгача ёшдаги болаларнинг математик тасаввурларни ривожлантиришга оид касбий тайёрлаш жараёнларининг механизмлари таълим сифати индикаторларининг кўрсаткичли-даражавий жиҳатларига кўра такомиллаштирилган;

мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича бўлажак тарбиячиларни касбий тайёрлаш жараёнлари дидактик таъминоти талабаларнинг фаол тадқиқотчилик ва рефлексив фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган, дуал таълим жараёнларига асосланган электив курсларни мақсадли жорий этиш воситасида бойитилган;

болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича бўлажак тарбиячиларни касбий тайёрлаш модели мотивлаштириш жараёнларини ташкил этишга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларини баҳолашнинг диагностик воситалари ишлаб чиқилган;

бўлажак тарбиячиларни касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга доир махсус курс дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у педагогик креативлик кўрсаткичлари касбий фаолиятнинг рефлексив шакллари (индивидуал-услубий, интуитив, интеграциялаш, доимий таҳлил қилиш) идентив мақсадлар билан ички интеграллашув даражаси барқарорлиги қайта алоқасини таъминлаш асосида такомиллаштирилган ва таълим амалиётига жорий этилган;

бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришга йўналтирилган тренинг машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган;

бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларининг дидактик таъминоти сифатида “Мактабгача таълим ташкилотида математик тафаккур” номли ўқув қўлланма чоп этилган бўлиб, у ўйин технологияларини адаптив қўллаш имкониятларини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти “касбий тайёрлаш тизими”, “бўлажак тарбиячи”, “болаларда математик тасаввурларни ривожланиш” каби тушунчаларнинг мазмуни муаллифлик ёндашуви асосида ёритилган. Жумладан, касбий тайёрлашни шакллантириш омиллари ва мезонларининг аниқлаштирилганлиги, бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнлари модели

ва интегратив технологиясини такомиллаштиришнинг мазмун-моҳияти очиб берилганлиги, илмий-методик асоси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларининг мактабгача таълим йўналишида “Математик тасаввурларни шакллантириш” фани асосида болаларда математик тасаввурларни ривожлантиришга оид тавсиялардан педагогик фанлар мазмунини бойитишда фойланилганлиги, шунингдек, қайта тайёрлаш, малака ошириш курсларида ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари ходим ва услубчиларининг касбий тайёргарлигини оширишга доир амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришга доир олинган натижалар асосида:

болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича бўлажак тарбиячиларни касбий тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини аниқлаш индикаторлари талабаларнинг рефлексив фаолияти шакллари идентификаторлар билан ички интеграллашув даражасига ҳамда интеграция жараёнларида қайта алоқани таъминлаш шартларига асосан такомиллаштиришга доир таклифлардан бакалаврият таълим йўналишининг 5111800 – Мактабгача таълим йўналиши Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 89-03-2548-сон маълумотномаси). Натижада “Математик тасаввурларни шакллантириш” модули мазмунан математик билимларни шакллантиришга йўналтирилган назарий ва амалий материаллар билан бойитилган;

бўлажак тарбиячиларни мактабгача ёшдаги болаларнинг математик тасаввурларни ривожлантиришга оид касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш механизмлари таълим сифати индикаторларининг кўрсаткичли-даражавий жиҳатларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан А-5-37. “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедияли интеллектуал ўйинлар” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 89-03-2548-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида дастлабки математик тушунчаларни шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича бўлажак тарбиячиларни касбий тайёрлаш жараёнлари дидактик таъминоти талабаларнинг фаол тадқиқотчилик ва рефлексив фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган, дуал таълим тизими асосланган электив курсларни мақсадли жорий этиш ҳамда болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш ва бўлажак тарбиячиларни касбий тайёрлаш модели мотивлаштириш жараёнларини ташкил этишга доир

таклиф ва тавсиялардан А-1-41. “Касбга таёрлаш, қайта таёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув-ишлаб чиқариш тизимида миллий анъанавий базани ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 89-03-2548-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак тарбиячиларни касбий тайёрлаш жараёнлари методик таъминоти бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, шундан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак тарбиячиларни касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида замонавий таълим муҳити ва унда бўлажак тарбиячиларни касбий тайёрлаш жараёнларининг моҳияти, унинг тузилмаси, мактабгача ёшдаги болаларнинг математик тасаввурларни шакллантиришнинг тарихий педагогик илдизлари ҳамда бўлажак тарбиячиларни мактабгача ёшдаги болаларнинг математик тасаввурларни ривожланишини бошқаришга тайёргарлигини шакллантириш жараёни мазмуни ёритилган. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Айнан мактабгача таълим соҳасига бўлган эътибор мамлакатимизнинг эртанги тараққиёти учун мустақкам замин яратади”, деган фикрлари ишимизнинг мақсадига бевосита мос келади. Илк ва мактабгача ёшда берилган сифатли таълим келажакда катта имкониятларни яратади ва мамлакатнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий фаровонлигига муҳим ҳисса қўшади. Демак, илк ва


мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим беришга сарфланган маблағлар келажакда ўзини тўлиқ оқлайди. Бу эса мактабгача таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагог-тарбиячиларга катта масъулият юклайди. “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасида мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимлари: болаларга профессионал даражада таълим ва тарбия бериши; мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурини бажариши; ўз малакасини ошириши; ўз касбий кўникмаларини ва педагогик маҳоратини такомиллаштириши шарт, дейилган.

Тарбиячининг касбий тайёргарлиги таълим ва тарбия жараёнини режалаштириш, ташкил қилиш, ўтказиш ва баҳолаш каби касбий вазифаларини сифатли бажариши учун зарурий бўлган асосий компетенцияларини белгилайди. Болаларга уларнинг индивидуал ритмда ривожланишлари ва индивидуал потенциалини ҳамда қизиқишни ошириш учун тенг имкониятларни тақдим этувчи қулай муҳитни таъминлаш учун тарбиячи муайян касбий тайёргарликка эга бўлиши керак. Шакллантирилган касбий тайёргарлик комплекс асосда ривожлантирилиб, келажакда мактабгача таълим тизимида самарали таълим ўтказиши учун бу тайёргарликни узлуксиз, олий таълим уйғунлигида амалга оширилишини таъминлаш зарур. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган самарали ишлар билан бир қаторда бугунги кунда олий таълим муассасаларида талабаларни бўлажак тарбиячи сифатида касбий тайёргарлигини такомиллаштириш, унинг услубий таъминотини кенгайтириш зарурати мавжуд.

Мактабгача таълим ва тарбия болаларга таълим-тарбия беришга, уларни маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим тури эканлигини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда уларнинг математик тасаввурларни ривожланиши билан шуғулланиш ҳар доимгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, ҳозирги кунда математика фани илм-фан ва техниканинг замонавий тармоқлари ахборот-коммуникация технологиялари, тиббиёт, биология, рақамли иқтисодиёт каби соҳалар жадал ривожланиши муносабати билан унинг роли ортди ва янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш илмий муаммо сифатида ечимини кутаётган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шахсни ҳар томонлама баркамол инсон даражасида тарбиялаш ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, жуда қадим замонлардан буён ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Тарбиячи - ёш авлод таълим-тарбияси учун жавобгар бўлган шахсдир. Шундай экан, бугунги кун тарбиячиси нафақат маънавий-ахлоқий маданияти билан атрофдагиларга ўрнак бўлиши, балки ўзининг етук мутахассис сифатидаги педагогик маҳоратини болаларни математик тасаввурларни ривожлантириш, уларни мактабга тайёрлашда намоён эта олиши зарур.

Касбий таъриба, касбий тарбия, касбий фаолият соҳаси, касбий тафаккур, касбий функция каби касб мазмун ва моҳияти ҳамда қоида-таърифлар мажмуини юқорида номлари кўрсатилган олимларнинг ишларида кузатишимиз мумкин. Бўлажак тарбиячилар касбий тайёргарлик жараёнларини такомиллаштиришда касбий фаолиятли ёндашув келажакдаги мустақил педагогик фаолиятни моделлаштиришга имкон беради. Бўлажак тарбиячилар касбий тайёргарлик жараёнларини такомиллаштиришнинг дидактик асослари математик назарий билимларни ўзлаштириш, касбий ва амалий кўникмаларни шакллантириш, математика машғулотини ташкил қилишнинг барча усуллари ва шаклланинг ўзаро таъсирига асосланган ҳолда уларни бирлаштириш жараёни сифатида тушунилиши керак.(1-жадвал).



1-расм. Бўлажак тарбиячиларни касбий тайёрлаш жараёнларини тузилмаси

Фаолиятли ёндашув шахснинг психологик назариясига асосланади ва шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун педагогик фаолият зарурлигини алоҳида эътироф этади. Ушбу ёндашувдан фойдаланиш талабаларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда касбий ўз-ўзини тарбиялашини, педагогик маҳоратини ўзлаштириш бўйича мустақил ишларини рағбатлантиради. Шу билан бирга, шахсга йўналтирилган ёндашув талабанинг индивидуаллигини ривожлантиришга имкон бериб, гуманистик қадриятлар ва идеалларга йўналтиради. Шунингдек унинг ижодкорлик, ўзини ўзи такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжини шакллантиради. Мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни ривожлантиришда касбий тайёргарликнинг яхлит тузилмасини шакллантириш зарурий шарт ҳисобланади. Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандартини ишлаб чиқишга асос бўлди. Чунки педагогнинг касбий компетентлиги болани ўқитиш ва ривожлантириш учун билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарурлигидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонуни ижросини амалга ошириш, илк ва мактабгача ёшдаги болаларга самарали таълим-тарбия бериш ҳамда педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 11 апрелда “Мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандартини тасдиқлаш ҳақида”ги қарор лойиҳаси муҳокамага қўйилган бўлиб, мазкур касбий стандартда бир қанча зарурий тушунчалар қўлланилади. Мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандартида педагог фаолиятига сифат даражасини берувчи самарали амалиётнинг батафсил кўрсаткичлари белгиланган.

Болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш масалалари классик ва халқ педагогикасида ўз илдизларига эга. Шу боис диссертацияда мавзунинг тарихий-педагогик илдизларига мурожаат қилинган. Болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш даврий босқичларида таснифланган. Диссертацияда берилган жадвалда жаҳон мактабгача таълимида математик тасаввурларни ривожланишнинг тарихий-хронологик тартибини кўришимиз мумкин.

Математик тасаввурларни ривожлантириш-бу мактабгача таълим ташкилотлари давлат дастури талабларида кўзда тутилган билимларни, ақлий фаолият методлари ва усуллари кузатиш ва ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқ ва уюшган жараёнидир. Мактабгача ёшдаги болаларнинг математик тасаввурларни ривожланиши қуйидагиларни ўз ичига олади: миқдор, сон, санок, ҳисоб, алгоритм, шакл, вақт, фазо каби математик тушунчаларни шакллантириш ва математик фаолиятни ривожлантириш, ҳисоблаш, ўлчаш, мантиқий фикрлаш методларини ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш, синтез, таққослаш, кетма-кетликда таснифлаш, умумлаштириш ва бошқалар.

Бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёргарлик вазифалари:

1. Ҳар бир ёш гуруҳида математик тасаввурларнинг ривожланиш даражасига қўйиладиган дастур талабларини илмий асослаш.

2. Болани мактабда математикани ўрганишга тайёрлаш учун ҳаққоний материал мазмунини танлаш, яъни мактабгача таълимда математик тушунчаларни ва мактабда тегишли тушунчаларни шакллантиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш.

3. Самарали дидактик воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, математик тасаввурларни шакллантириш жараёнини ташкил этиш турли усул ва шакллари ишлаб чиқиш.

4. Мактабгача таълим тизимининг барча бўғинларида болаларнинг математик ривожланиши бўйича педагогик-методик ишларни амалга оширишга қодир юқори малакали кадрлар тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш.

5. Оила шароитида болаларнинг математик тасаввурларни ривожланиши бўйича ота-оналар учун илмий-услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

Мактабгача ёшдаги болаларни математик тасаввурларни ривожлантириш муаммоси кўпгина фанлар, энг аввало, мактабгача ёшдаги бола шахси ва фаолиятининг турли томонларини, унинг таълим-тарбия жараёнини ўрганиш билан боғлиқдир. У мактабгача таълим педагогикаси билан энг яқин алоқадор.

Мактабгача ёшдаги болаларни математик тасаввурларни ривожлантириш бугунги кунда кўплаб психологик-педагогик атама ва тушунчалар билан фаолият кўрсатмоқда. Математик таълим технологиясини ишлаб чиқишда ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда мактабгача таълим мутахассиси юқорида муҳокама қилинган тушунчаларда баён этилган жараёнларнинг моҳияти, тузилиши ва вазифаларини тўлиқ англаб етса келажакда педагогик фаолиятда муваффақиятли натижага эга бўлиши аниқ.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бўлажак тарбиячиларнинг болаларда математик тасаввурларни ривожлантиришга касбий тайёргарлик жараёнларини такомиллаштириш методикаси”** деб номланиб ушбу бобда бўлажак тарбиячилар касбий тайёргарлик жараёнларини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик имкониятлари, бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёргарлик босқичлари, бўлажак тарбиячиларни мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш хусусиятлари ва тафаккур ривожланиш даражаси бўйича математик билимларини шакллантириш технологиялари мазмуни ёритилган.

Бўлажак тарбиячи мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг хулқ-атвор субъекти сифатида уларнинг ёшига нисбатан ривожланиш босқичларидан хабардор бўлиши шарт.

Математик тасаввурлар ривожланишнинг мазмуни болалар математик таълим дастурида ўз аксини топади ва уни шартли равишда учта шундай соҳага ажратиш мумкин:

-тасаввур ва тушунчаларга;

- боғлиқликлар ва муносабатларга;
- математик амалларга бўлиш мумкин.

Машғулот мазмуни деганда турли тадбирларни ташкил этиш жараёнида давлат дастурида белгиланган болалар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг миқдори ва характери тушунилади. Болаларнинг математик тасаввурлари ривожланиши учун турли дастурларнинг таҳлили асосий мазмун жуда хилма-хил ғоя ва тушунчалардан, яъни “миқдор”, “сон”, “тўплам”, “кичик қисм”, “ўлчов”, “предмет шакли”, “геометрик шакллар”; “миқдор ва вақт” ҳақидаги билимлардан иборат эканлигини кўрсатди. Математик саводхонликни шакллантириш жараёнининг мазмуни ҳар бир ёш гуруҳи учун ишлаб чиқилади. Мазкур математик тушунчаларни бўлажак тарбиячилар мактабгача таълим ёшидаги тарбияланувчиларига самарали таълим бериш учун пухта ўрганиши, ўзлаштириши муҳим саналади. Шундай экан, бўлажак тарбиячилар математик тасаввурларни шакллантириш курсининг ўқитиш методикасини мукамал эгаллаб, чуқур ўзлаштириб олиши даркор. Мактабгача ёшда асосий математик тушунчалар дескриптив – тушунчаларнинг ҳеч қандай таърифи ёки тавсифи бўлмаган ҳолда берилади. Ҳар бир тушунча аниқ объектларни кўздан кечириш ёки уларни амалиётда қўллаш орқали кўргазмали тарзда берилади.

Илк болалик даврида миқдор ҳақидаги дастлабки элементар билимлар юзага келади, бу эса воқеликни билишдаги зарурий қадамдир. Ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ бола предметлар, ҳодисалар оламига кириб боради, нафақат предметларнинг, балки товуш ва ҳаракатларнинг ҳам хилма-хил сонларини идрок этади. Катталар бу таассуротларни тизимлаштиришга ёрдам беради, болаларга алоҳида объектлар ва турли ҳаракатларни ўргатади, агрегатларни идрок қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг нутқини миқдор ва миқдорий муносабатларнинг рақамсиз хусусиятларига боғлиқ аниқ сўзлар билан бойитади.

Сон-санок тасаввурларни шакллантириш муаммоси билан шуғулланган психологлар, тарбиячилар ва методистлар сон тушунчасини ўрганишда тўпламни идрок этишнинг аҳамиятини ва санаш маҳоратини алоҳида эътироф этадилар. Шу билан бирга, болалар тасаввурида ёдлаш учун оддий техника ва воситалардан фойдаланишлари мумкин.

Узунлик бу – объектларнинг чизиқли ўлчамларига хос хусусияти. Ҳар қандай предметлар узунлигини кўз билан солиштириш мумкин. Масса – тортиш билан ўлчанадиган объектнинг физик хоссасидир. Тарбияланувчиларга объектнинг массаси ва вазнини фарқлашни ўргатиш зарур. Бола тўғри терминологияни ўрганиши учун ҳар доим: тарбиячи "объектнинг массаси" деб айтиши мақсадга мувофиқдир. Сифим-сувоқлик ҳажми ва майдон шаклининг текисликда маълум жойни эгаллаш хусусиятидир. Вақт–жараёнларнинг давомийлиги. Тезлик – вақт бирлиги ичида жисм томонидан босиб ўтилган йўл. Тезлик физик миқдор бўлиб, унинг номи 2 қийматни ўз ичига олади: узунлик бирликлари ва вақт бирликлари: 3 км / соат, 45м/сек ва ҳоказо.

Элементар ўлчаш усулларини ўзлаштириш кўз чамани яхшилайтиди. Ривожланган кўз чама кўплаб амалий кўникма ва малакаларнинг асоси бўлиб, турли касб эгалари томонидан талаб қилинади. Мактабгача ёшдаги боланинг ўлчаш фаолияти кўрғазмали-самарали, кўрғазмали-образли ва мантикий тафаккурнинг ривожланишига ёрдам беради. Мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларнинг ўлчашни ўзлаштириши ўқув фаолияти учун шарт-шароитларнинг пайдо бўлишига таъсир қилади. Болалар мақсаддан хабардор бўлишни ўрганадилар, унга эришиш, қоидаларга бўйсуннишни ўрганадилар, амалий ва тарбиявий вазибаларни ҳал қиладилар.

Мактабгача таълим ташкилотларида болалар анъанавий ўлчаш йўли орқали ўлчашни бир неча турларини ўзлаштирадилар. Биринчи тур чизиқли ўлчов бўлиб, болалар турли буюмларнинг узунлиги, кенглиги ва баландлигини қоғоз, таёқ, арқон, қадам ва бошқа анъанавий чора-тадбирлар ёрдамида ўлчашни ўрганадилар. Иккинчи ўлчов тури – моддалар ҳажмининг шартли ўлчовидан фойдаланиб, болалар стакан, шиша, қошиқ ва бошқа идишлардан фойдаланиб дон, шакар миқдорини ўлчашни ўрганадилар. Учинчи тур-суюқликларнинг анъанавий ўлчовидир. Масалан, узунликни таққослашда болалар предметларни ёнма-ён қўйиб, учларини бир томонга қаратадилар. Тарбиячи қўлини тасма бўйлаб ҳаракатлантириб 2-3 марта кўрсатади. Болалар нарсаларни ушлаб туриб таққослайдилар. Объектларни тизимлаштиришда эса уларнинг тартибини ва ҳажми орасидаги нисбатни нутқда акс эттириш муҳим саналади. Масалан, "пушти тасма-кенг, бинафшаранг бироз тор, қизил ҳам тор, лекин у сариқ ва яшилдан кенгроқ.

Болалар предметларни таққослашда давом этиб, уларни камайиш ва ортиб бориш тартибида жойлаштирадилар. Тарбиячилар болалар диққатини бир қатор буюртма қилинган объектларнинг катталиқдаги хоссаларига–нисбийлик, транзитивликка қаратадилар. "Тартиб билан ёйиш", "Нарсаларни тартибга солиш", "Баландлик бўйича қуриш", "Объектнинг ўрнини топиш", "Қандай объект ортиқча эканлигини топиш", "Қандай объект етишмайди? каби ўйин технологиялари болаларнинг математик ривожланишида катта аҳамиятга эга.

МТТ турли ёш гуруҳларида математика машғулотларини ўтказишда болаларнинг математик эҳтиёжлари, математик ривожланиш омиллари, тамойиллари, математик ривожлантиришни такомиллаштирувчи муҳит, математик таълим воситалари, методикаси ва ташкил қилиш хусусиятларини инобатга олиш зарур.

Тарбиячи стол устига бир қанча ўйинчоқларни қўяди ва болалардан қайси ўйинчоқлар кўп эканлигини сўрайди. Топшириқларни шундай режалаштириш керакки, болалар рангларни ажрата олиши, бир турдаги ўйинчоқдан бошқа турдаги ўйинчоқни ажрата олиши, миқдорни тўғри тақсимлашга ўрганиб борадилар. Масалан, "Қизил чизиққа битта кўзиқорин қўйинг", "Кўк чизиққа кўплаб олмалар қўйинг", "Сариқ чизиққа бешта кубик жойлаштиринг". Бу каби ўйин топшириқлардан сўнг тарбиячи болаларга машғулот хонасида кўп буюмлар орасидан бир хил шаклга эга бўлган нарсаларни излашларини таклиф қилади. Мазкур машғулотнинг мақсади

тарбияланувчиларда кўп нарса-буюмдан шаклий ўхшашликка эга бўлган буюмларни тезликда топишга, таққослаш, нарсаларнинг геометрик шаклини солиштириш, фарқлаш, кўпдан озни ажратиш, топшириқни идрок қилиш, биринчиликка интилиш, ўзи мулоҳаза юрита олиш, ишонч билан ҳаракат қилишга ўргатишдир.

Албатта, болага индивидуал мурожаат қилиб, уни ўйинларда ёки машғулотларда фаол иштирок этишга жалб қилиш керак. Бундай ўйинлар учун болалар 6-8 тагача гуруҳланади. Фаол ва пассив болалар ҳам бир хил кичик гуруҳда бўлиши керак. Ўйин ёки махсус машқлар ўтказишда боланинг диққатини ўйинчоқларга тортиш, уларнинг номларини аниқлаштириш тавсия этилади. “Бу нима?”, “Ранги қанақа?”, “Шакли қандай?”. Шундай бўладиги, ёш болалар топшириқларни тўғри бажарадилар, топширадилар, келтирадилар, танлайдилар, бир, икки, уч буюмни кўрсатадилар, лекин ҳар доим ҳам уларнинг сонини номлай олмайдилар. Масалан, учта кубикни тўғри танлаб, тақдим этган боладан қанча кубик топширганини сўралганда аввалига жим бўлиб қолади ёки бола бутунлай бошқа сўзларни талаффуз қилиши мумкин. Демак, болаларни санашга ўргатишда сонларни эрта ўзлаштиришни ҳисобга олиш керак. Ёш гуруҳларда машғулотларни режалаштиришда тарбияланувчиларга фазовий йўналишларни тўғри, осон англашларини таъминлаш мақсадида, инсон танасининг қисмларидан фойдаланиш муваффақиятли натижа беради. Масалан, бош, оёқ, кўз, кулоқ қисмларнинг жойлашуви орқали фазовий йўналишлар тушунтирилади. Дастлаб, тарбиячи ўз ёнига икки нафар тарбияланувчини чақиради, уларни икки ёнига туришлигини тайинлайди. Ўнг қўлини кўтарган ҳолда барча болаларнинг ўнг қўлини кўтаришликни буюради ва ўнг томонидаги боланинг исмини айтади, уни қўли билан кўрсатади. Чап томонни ҳам шу тартибда тушунтиради. Болаларни жойига ўтказгач, бу жараёни болалар ўтирган жойида тарбиячи билан биргаликда бажарадилар. Ўнг ва чап томонлари ҳақида тушунча шакллангач, уни мустаҳкамлаш босқичига ўтилади. Бу босқичда тарбиячи тарбияланувчиларнинг 3 нафарини олдига чақиради, уларни ёнма-ён туришларини айтади. Ўртада турган болага ўнг томонидаги дўстини қўли билан кўрсатиши ва исмини айтишлигини топшириқ қилади. Албатта, бу вазифани бажаришда боланинг қўл ҳаракати оғзаки нутқига қараганда тез ҳаракат қилади. Мазкур жараён муваффақиятли ўтказилгач, 3 нафар тарбияланувчиларни орқама-олдин туришларини айтади. Уларнинг ортида ва олдида қайси ўртоғи турганини аввал ўтирганлардан, сўнг ўзларидан сўрайди, болаларнинг ўринлари тез-тез алмаштирилади. Шу тарзда болаларда фазовий йўналишлар ҳақида тушунчалари мустаҳкамланади. Юқори-паст томонлар ҳам шу зайлда тушунтирилиб борилади. Инсон тана қисмларидан ташқари ўйинчоқлар, болаларни машғулот хонасида жойлашган нарсалар томон ҳаракатлантириш орқали ҳам тарбияланувчиларда фазовий йўналишларни аниқлаш қобилиятини ривожлантиришга эришилади.

Мактабгача ёшдаги болалик даврида бола ўрганадиган турли фазовий муносабатлар орасида предметлар ўртасидаги муносабатларни — уларнинг

фазода ўзаро жойлашишини таъкидлаш зарур. Фазовий мўлжал олиш(ориентир)ларни нафақат сенсор асосда, балки (вербал) оғзаки шакллантириш тарбиячидан махсус йўл-йўриқ талаб қиладиган мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёнدير. Фазодаги асосий йўналишларни иккинчи сигнал тизими даражасида фарқлаш маълум қийинчиликларга сабаб бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, боланинг бу ёшда ажратадиган йўналишлари, у ўз танасининг алоҳида қисмлари билан боғлиқ. Масалан, "тепада — бошимиз қаерда?"; "пастда — оёқларимиз қаерда?"; "олдида — юзимиз қаерда"; "орқада — орқамиз қаерда" каби мустаҳкамланади.

“Бўлажак тарбиячиларнинг болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёргарлик жараёнларини такомиллаштиришга оид тажриба-синов ишлари” деб номланган учинчи бобда замонавий тарбиячининг касбий компетентлилик диагностикаси, тажриба-синов ишлар дастури ва тажриба синов ишларини ташкил этиш методикаси мазмуни ёритилган.


Олиб борилган тадқиқотимиз ҳамда изланишларимиз натижасида бўлажак тарбиячиларнинг болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича қуйидаги касбий тайёргарлик жараёнларини таклиф этмоқдамиз. Бу тизим яхлит, керакли даражада ўсувчан, интегратив бўлиб, ўз ичига тайёргарлик, мазмуний, касбий фаолиятли ҳамда рефлексив босқичларини қамраб олади.

Тадқиқот муаммоси бўйича бўлажак тарбиячиларнинг болаларда математик тасаввурларни ривожлантиришга касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга илмий ёндашувлар сифатида тизимли, компетентли ҳамда шахсга йўналтирилган ёндашувларга таянилди.

В.Г.Афанасьев, Ю.А.Конаржевский, В.П.Беспалько, А.Р.Ходжабоев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Ж.Равен, А.В.Хуторской, И.А.Зимняя, Н.У.Бикбаева, С.Абдуллаева, М.Жумаев, Г.Э.Джанпеисова, Л.А.Венгер, Е.В.Бондаревская, В.В.Селевко, Т.К.Жикалкина, М.Ахмедов, М.Жумаев, Ф.М.Қосимов, Б.Б.Маъмуров яна бошқа кўплаб олимларнинг тадқиқот ишлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари тадқиқот иши доирасида ўрганилди. Бўлажак тарбиячиларнинг болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш бўйича касбий тайёрлаш жараёнларининг амалдаги ҳолати таҳлил этилди, илк хулосалар ясалди.

Тадқиқот ишимизнинг самарадорлигини **“Бўлажак тарбиячиларнинг болаларда математик тасаввурларни ривожлантиришга касбий тайёргарлик жараёнларини такомиллаштириш модели”** асосида амалий исботлаганмиз. (2-расм).

“Бўлажак тарбиячиларнинг болаларда математик тасаввурларни ривожлантиришга касбий тайёргарлик жараёнларини такомиллаштириш модели” олий таълимнинг ДТС талаблари, иш берувчи ташкилотлар — МТТ талаблари, “Илк қадам” давлат ўқув дастури талаблари асосига қурилган бўлиб, бўлажак тарбиячиларнинг болаларда математик тасаввурлар шакллантиришда касбий тайёргарлигини такомиллаштиришни мақсад этиб белгилайди. Моделнинг таркибий қисмлари бир-бири билан ўзаро уйғун, изчил, динамик боғланиб тизимли бутунликни ҳосил қилади.



2-расм Бўлажак тарбиячиларни болаларда математик тасаввурларни ривожлантиришга касбий тайёргарлик жараёнларини такомиллаштириш модели.

Педагогик тажриба-синовнинг дастлабки, ташкилий босқичида биз барча ҳал қилувчилар (ўқув гуруҳлари ва бўлажак тарбиячилар) ичидан, бизнинг тавсияларимизни қўллаш имкони бўлганларини ажратиб олишга ҳаракат қилдик. Танланганларнинг барчасида эксперимент объектларини бир хил сифатига (таълим йили, касбий компетентлилик даражаси, таълим тили) эга бўлганлиги талабаларидан келиб чиқиб ёндашдик. Бу иш қуйидаги тартибда ўтказилди:

- 1) Танлов ҳажмини аниқлаш;
- 2) Уларнинг репрезентативлигини таъминлаш.

Одатда, педагогик тадқиқот учун қабул қилинган ишончлилик $\theta = 0,95$ (95%) ва мутлоқ хато $e = 0,05 = 5\%$ танланди. Бўлажак тарбиячининг тайёргарлик сифати мезонлари учта асосий босқич (мотивацияли-қадриятли, субъектли-фаолиятли, шахсий-касбийлик) бўйича аниқланди. Фарғона, Андижон ва Наманган давлат университетларида мактабгача таълим йўналишлари бўйича экспериментал (236 талаба) ва назорат (236 талаба) гуруҳлари тузилди. Мазкур шароитда танлов ҳажми 472 кишини ташкил этди. Тажриба гуруҳларда иш режа асосида тизимли олиб борилгани, назорат гуруҳларида эса узилишлар билан, вақти-вақти билан ўтказилди (бўлажак тарбиячилар эҳтиёжидан келиб чиқиб).

Экспериментал гуруҳларда 2 йил давомида қуйидагилар қўлланилди:

1. Ишбилармонлик ва ролли ўйинлар.
2. Бўлажак тарбиячининг педагогик қобилиятини ривожлантириш диалектикаси махсус курси.
3. Бўлажак тарбиячининг педагогик компетентлиги харитаси
4. Бўлажак тарбиячида болаларни математика билимларини ошириш” факультатив курси.
6. Математикани ўрганамиз! номли махсус семинар дастури.
7. Талабаларда математик билимлари бўйича тестлар.
8. Мактабгача таълимда математик тафаккур номли ўқув қўлланма.
